



ОИЛАДА АЁЛЛАРНИНГ ФАРЗАНД ТАРБИЯСИДАГИ ЎРНИ

Қодирова Камола Тохиржоновна
ИИБ Академияси ўқитувчиси
<https://doi.org/10.5281/zenodo.13378913>

ARTICLE INFO

Received: 19th August 2024
Accepted: 20th August 2024
Published: 24th August 2024

KEYWORDS

ABSTRACT

Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасидадир. Давлат оиланинг тўлақонли ривожланиши учун ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа шарт-шароитлар яратади. (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 76-модда)¹

Эзгу орзу-ниятларимизни амалга ошириш кўп жиҳатдан бугун униб-ўсиб келаётган, бизнинг давомчимиз суянчимиз ва таянчимиз бўлган ёш авлоднинг зиммаси ва масъулиятига тушади. Шу боис барчамиз ўзимизнинг муқаддас ота-оналик бурчимизни жондан азиз фарзандларимизни нафақат ҳам жисмонан, ҳам маънан соғлом қилиб ўстириш, шу билан бирга, уларнинг ҳар томонлама баркамол авлод бўлиб, энг замонавий биз яшаётган XXI аср талаб қилаётган интеллектуал билим ва бойликка эга бўлган инсонлар бўлиб ҳаётга кириб боришни таъминлашда кўришимиз ҳам қарз, ҳам фарз.

Шавкат Мирзиёев

Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасидадир. Давлат оиланинг тўлақонли ривожланиши учун ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа шарт-шароитлар яратади. **(Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 76-модда)²**

Фарзанд – инсон ҳаётининг мазмуни, насл-насабини давом эттирувчиси ва оиланинг мустаҳкам занжиридир. Яхши, солиҳ фарзандлар – ота-онанинг бахт-иқболи, икки дунё саодатига етказувчи дилбанди ҳисобланади. Фарзандлар “жаннат райҳонлари” деб айтилиши бежизга эмас. Аммо

у одобли, яхши фазилатлар соҳиби, итоаткор ва қобил бўлгандагина ота-онасига раҳмат ва бахт-хурсандчилик келтиради. Бунинг акси бўлишидан Аллоҳни ўзи асрасин!

Жамиятда, яъни оилада солиҳ фарзандлар кўришни орзу қилмаган инсон бўлмаса керак. Фарзанднинг яхши, одобли, меҳнатсевар, соғлом бўлиб ўсиши кўп жиҳатдан онасига боғлиқ бўлади. Шунинг учун динимиз кўрсатмаларида бўлғуси келинни

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Т., 2023.

² Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Т., 2023.

танлашга алоҳида эътибор қилиниб, келажакда туғилажак фарзандларга муносиб она танлаш ҳақида фарзанд ҳали туғилмасидан қайғурилади. Оиша онамиздан (розияллоху анҳо) ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам): “Фарзандларингизга муносиб онани ихтиёр қилинглр”, деганлар³.

Оила қуришдан асосий мақсад наслни давом эттиришдир. Инсониятнинг кўпайиши, наслнинг бардавомлиги қиёматгача давом этадиган илоҳий ирода ва муҳим жараён дир. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: “Никоҳланинглр, кўпаясизлар, мен қиёмат куни ўтган умматларга нисбатан умматимнинг кўплиги билан фахрланаман”, -деб марҳамат қилганлар.

Донишмандлар бола тарбиясига у ҳали ҳомила ҳолида эканидаёқ киришишни маслаҳат беришади. Бунга қандай эришиш мумкин? Бўлажак онанинг емиши ҳалол, пок бўлиши, у ҳамиша тоза, покиза юриши, дуо ва зикрни мунтазам айтиб туришининг туғилажак фарзанднинг келгусида яхши тарбияли, одобли, эътиқодли, чин инсон бўлиб камолга етишида катта фойдаси бор. Ҳатто замонавий тиббиёт ҳам она ҳомиладорлик чоғида кўпроқ қандай кайфиятда бўлса, буларнинг ҳаммаси болага ҳам кўчишини исботлаган. Масалан, ҳомиладорлик чоғида кўп асабийлашган, бошига бирор ғам, мусибат тушган аёлларнинг фарзандлари инжиқ, серзарда, йиғлоқи бўлиб туғилиши кўп марта кузатилган.

Олимларнинг тадқиқотларига кўра, ўз онаси тарбиясини олган, унинг ғамхўрлиги, шафқатини ҳар қадамда ҳис этиб турган болалар бутунлай ўзларини жамоат ишига бахшида қилиб, фарзандларидан узилиб қолган оналарнинг болаларига қараганда соғлом, ақлли, тарбияли ва кўнгличан бўлиб улғайишар экан. Оилада онанинг бурчларидан яна бири фарзандга меҳрибонлик кўрсатиб, уни турли азият берадиган нарсалардан сақлаган ҳолда вақтида эътибор қаратиб, ювиб-тараб, тоза кийинтириб, касал бўлишига йўл қўймай, уни парвариш қилишда эринчоқлик ёки дангасалик қилмай доимо хушёр ва ундан хабардор бўлишлиқдир⁴.

Бола тарбиясида, аввало, ота-она, сўнгра тарбия ўчоғи бўлган боғча, мактаб ва маҳалланинг ўрни бекиёс. Имом ат-Термизий ривоят қилган ҳадисда: “Ота-она ўз боласига гўзал одобдан афзал нарса бера олмайди” дейилган. Аёл киши оилада фарзанд тарбиясига масъуллиги билан бирга ота билан фарзанд ўртасида воситачи ҳамдир. У фарзандига оиланинг устун бўлган отани қадрлашни, кўзига тик боқмасликни ота билан орасида доимо масофа сақлаш лозимлиги ва бошқа одобларни ўргатади. Узоқни кўра оладиган аёл фарзандлари олдида турмуш ўртоғининг ҳурматини доимо жойига қўяди. Отанинг ҳурмати юқори бўлган оилада тарбия топган болада қатъиятлилик, фидойилик, мардлик ва мустаҳкам иродалилик каби эзгу хислатлар кўпроқ учрайди⁵.

Фарзанд тарбиясида энг муҳим омиллардан бири эр ва хотинни ҳамкорлигидир. Оилада муҳит соғлом бўлса фарзанд ижобий тарбия топади. Ислонда илм олишнинг чегараси бешиқдан то қабргача белгилангандир. Шундай экан фарзандларимизга ёшлиқдан уларнинг ақллари кўтарадиган даражадаги илмларни ўргатиб бориш зарур. Оилада ота билан онанинг хатти-ҳаракати фарзандга ўрнак ва намунадир. Чунки муҳтарам Юртбошимизнинг юртимизда ёш авлод бахти учун ва келажак учун қилаётган ишлар учун таърифлашга тил ожиздир. Бу имкониятлардан унумли фойдаланиб, фарзандларимизни ҳар томонлама етук, билимли, доно ва жамиятларда манфаати тегадиган қилиб тарбиялашимиз лозим.

³ Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф “Бахтиёр оила” Т., “Хилол нашр”, 2022.

⁴ Усмонхон Алимов Етти кунга етти китоб “Оилада фарзанд тарбияси”.

⁵ А.Авлоний “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ”. Т., “Ўқитувчи”. 1994.

Юртимиз уламолари ўз асарларида фарзанднинг чиройли одобидан умид қилган ота-она, уни мунтазам равишда хусни хулқ асоси бўлган муомала одобининг қуйидаги қирралари билан таништириб бориши муҳим эканини алоҳида таъкидлаганлар:

- фарзанднинг одамлар билан муомалада ширинсўз, мулойим, босиқ ва камтар бўлишига эътибор қаратинг;
- одамлар хурсандчилигини баҳам кўриш, ғам-андухидан қайғуриш, мол-мулкка хиёнат қилмаслик, яхшиликка чорлаб, ёмонликдан қайтариш хусни-хулқ эгаларига хос фазилатлардандир. Шунинг учун фарзанднинг ана шу хислатларни болалиқдан сингдириш пайида бўлинг;
- фарзанднинг ўзгалар билан муомала чоғида бошқаларни ғийбат қилиш, ўзгаларни менсимаслик, обрўси, бойлиги ёки мансабига қараб муносабат кўрсатиш ҳам одобсизлик эканини уқтириб боринг;
- ёши улуғ кишилар, устозлар билан муомалада уларнинг кўзига тик боқмай, гапларини жим тинглаш, саволларигагина жавоб қайтариш, буйруқларини сидқидилдан бажариш ҳам болалар қалбига жо қилишга эътибор беринг.

Ота-боболармиз азалдан ўғил қизларнинг гўзал хулқли, одобли бўлишига катта аҳамият берганлар. Бинобарин, ислом динида ҳам ахлоқ иймон қаторига қўйилади.

Фарзанд тарбия қилганда одатда ўғил болалар тарбияси билан кўпроқ ота, қиз бола тарбияси билан эса она шуғулланади. Албатта бунда фарзанднинг савиясини инобатга олиш муҳим. Болани бирор-бир ютуққа эришишида, натижани кўришга шошмаслик керак. Масалан икки ёшгача фақат ширин сўз билан, эркалаш орқали тарбия қилинади. Беш ёшгача бола атрофни ўрганади, асосий маълумотни шу ёш оралиғида эгаллайди. Бу даврда биз кўпроқ амалий жиҳатдан намуна бўлишга уринишимиз, соғлом оилавий муҳитни яратишимиз зарур бўлади. Оилада отанинг болаларига лоқайд бўлиши охири хунук оқибатларга сабаб бўлади. Лоқайдлик ёмон иллат бўлиб, у бола тарбиясининг бузилишига катта йўл очади. Ота сусткашлик қилиб, бурчини адо этмагани ва манфаатли илм ҳамда яхши амални ўргатмагани оқибатида ўз фарзандидан зарур ижобий хислатларни шакллантира ололмаган. Фарзанд ҳам отасининг яхши тарбиясидан маҳрум бўлиб ўсади. Кейинги давр эса бир оз талабчанлик ва интизомни талаб этади. Бу давр ўсмирлик пайти бўлиб, бола оқ-қорани айна шу даврда ажратади. Яхшиликка мукофот, ёмонликка жазо муқаррарлигини шу босқичдан ўрганади. Бу даврда фарзанд тўғри йўлга солинса, тарбияли дўстларга ҳамроҳ қилинса, унинг одобли бўлиб, яхши инсон бўлиши учун муҳим қадам қўйилади. Меҳр-муҳаббат беришда ҳам меъёрни сақлай билиш керак, боланинг барча айтганларини қилиш, барча тўғри-нотўғри хатти-ҳаракатларини маъқуллаш ёки ҳатто индамаслик фарзанднинг умуман тарбиясиз бўлиб ўсишига олиб келади⁶. Ортиқча талтайтириб эркалаш болани ҳар жиҳатдан сустлаштириб қўяди, меҳр кўрсатиш эса уни янада фаол бўлишга ундайди. Эрка ўсган бола фақатгина шахсий манфаатларини кўзлайдиган, маъсулиятсиз бўлиб вояга етади. Шунинг учун фарзанднинг баркамол инсон бўлиб етишида онанинг хизмати жуда зарур ва муҳимдир. Болалик чоғида фарзанднинг қалби ўта юмшоқ ва таъсирга берилувчан бўлади. Шу боис диний таълимотларда болаларни меҳр билан эркалаш, фарзанднинг болалик даврини хурсанд ўтказишга алоҳида эътибор қаратилади. Айниқса, қиз боланинг кўнгли нозик бўлишини ҳисобга олиб, уларга алоҳида меҳр кўрсатишга чақирилади. Диний таълимотларда ота-она ўз фарзандларига таълим-тарбия бериши ҳам долзарб вазифалардан деб қаралади. Бу ҳақида Муҳаммад (алайҳиссалом): *“Фарзандларингизга таълим беринг, чунки улар сизники бўлмаган вақт учун туғилганлар”*, деб ҳар бир ота-онани боланинг ўз замонаси илм-фани, таълимига бефарқ қарамасликка чақирганлар.

⁶ Жамоа. “Оила педагогикаси”. Т., 2007

Тарбияда энг муҳим восита бу меҳр ва ширинсўзлик билан тарбиялашдир. Бу икки восита болани шакллантиради. Шу жумладан, таълимни ҳам ғазаб ва жазолаш билан амалга оширмаган маъқул. Зеро, зўрлаб берилган таълим бола хотирасидан тезда ўчиб кетади. Оқибатда унинг шу соҳага нисбатан қизиқиши сўниши мумкин. Бундан кўринадики, таълимнинг аввали ҳам яхши тарбиядан бошланади.

Агар аёллар болаларига яхши тарбия бермасалар, уларга ўзини, миллатини, динини, Ватанини танитмасалар ва севдирмасалар, оналик ҳақини адо этмаган бўлишади. Оилада фарзанд тарбиясида аёл кишининг ўрни деганда фахр билан айтамикки, бугунги кунда ўзбек оилалари хусусан оналаримиз, аёлларимиз оиланинг соғлом илми, оила бағрида фарзандларини

эл-юртнинг муносиб ўғил-қизлари, Ватанининг ҳақиқий содиқ фуқароси бўлиб вояга етишларида жон куйдирмоқдалар. Аллоҳга шукрки, мамлақтимизда аёл зотининг ҳурмати, эҳтироми ва нуфузи, хотин-қизларнинг турли жабҳа ва йўналишларда қилаётган ишлари муносиб баҳоланади ва қадрланади, ҳар қайси хонадоннинг уй бекаси бўлмиш аёлларимизнинг оғирини енгил қилишга доимий равишда алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда. Ёш авлод етук ва комил шахс бўлиб вояга етиши учун яна бир муҳим омил ҳаёт тарзига айланиши зарур. У ҳам бўлса “китобхонлик”. Бунинг учун юртимизда барча шароитлар яратилинган. Оммавий, илмий кутубхоналар, китоб-кафе дўконлари ва бошқалар сўзимизнинг яққол мисолидир десак муболаға бўлмайди. Ота-она фарзандига вақтни унумли ўтказишни ўргатишида восита сифатида фойдаланиши мумкин бўлган усуллардан яна бири-замонавий ахборот технологияларидан оқилона фойдаланишдир. Ота-она болада эстетик тарбия, гўзал манзаралардан завқ олиш ҳиссини шакллантириш учун уни ўзи билан бирга табиатдаги манзарали жойларга, музейларга олиб бориши ва шу билан бирга унинг қалбида гўзаллик латофатини сингдириши муҳим⁷.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, мустаҳкам маънавий иммунитетли, ўзининг фикрларини равон айта оладиган, юқори марраларга эришувчан авлодни тарбиялаш учун ота-она, оила муҳити жуда катта аҳамият касб этади. Ҳеч кимга сир эмас, инсоннинг қалби ва онгини эгаллаш, айниқса, ёшларнинг маънавий дунёсини заҳарлашга қаратилган турли хавф-хатарлар ҳам кучайиб бораётган бугунги кунда ўзининг кимлигини, қандай бебаҳо мерос ворислари эканини теран англаб, она юртга муҳаббат ва садоқат ҳисси билан яшайдиган, имон-эътиқоди мустаҳкам ёш авлодгина муқаддас заминимизни ёт ва бегона таъсирлардан, бало-қазолардан сақлашга, Ватанимизни ҳар томонлама равнақ топтиришга қодир бўлади. Фарзандларимизга шундай тарбия берайлики, улар ўз ота-боболарига, ўз тарихи, Ватани, она тилига, миллати, динига ва анъналарига содиқ бўлиб камол топишсин.

⁷ М.Имамова “Оилада болаларнинг маънавий ахлоқий тарбияси” Т., “Ўқитувчи”. 1999